Ушбу сонда:
2 МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ МУСТАҲКАМ ҲИМОЯДА
3 TV – ДАСТУРИ
4 ХОЖА АБДУХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 900 ЙИЛЛИГИГА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2003 йил 30 май, жума № 84 (1509)
СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Ўзтемирйўллойиҳа» институти томонидан йўловчиларга самарали транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш борасида кўпгина лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Мазкур компаниядан олинган маълумотларга кўра, яқинда муҳокамага қўйилган Тошкент-Ангрен темир йўлини электрлаштириш лойиҳаси ҳам ижобий баҳоланган. Лойиҳани амалиётга жорий этиш ишлари ҳозирдаёқ бошлаб юборилган.

Бунинг натижаси ўлароқ, «Жанубий» темир йўл вокзалидан Ангрен шаҳригача бўлган йўл электр тармоқлари билан жиҳозланади. Электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилгач, келгуси йил бошидан Тошкент-Ангрен йўлида юк ва йўловчи ташийдиган электр поездлари қатнай бошлайди.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МОСКВА САММИТИ

МОСКВА, 29 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Бугун мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Ўзбекистон ва Хитойнинг халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашди.

Кремлда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашув қатнашчилари ташкилотнинг олдинги саммитларида белгиланган вазифалар ижросини муҳокама этди. Бу борада талай хайрли ва фойдали ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Ўтган вақт мобайнида ШҲТни шакллантиришнинг ташкилий ишлари якуний босқичга келди. Ташкилотнинг органлари, жумладан, доимий ишловчи котибият (Пекин) ва минтақавий аксилтеррор тузилмаси (Бишкек) фаолияти қонун-қоидаларини белгилаб берадиган ҳужжатлар тайёрланди.

Ташкилотнинг ижрочи котиби лавозимига Хитойнинг Россиядаги элчиси Чжан Дэгуан тасдиқланди.

Расмий делегациялар иштирокидаги музокараларда ШҲТни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқалар, коммуникацияга оид ва кўплаб бошқа масалалар муҳокама этилди. ШҲТнинг барча механизмларини имкон қадар тез ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Музокара якунида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Декларацияси қабул қилинди. Президентлар муҳокама этилган масалалар бўйича эришилган келишувлар ўз аксини топган қатор қарорларга, ШҲТ бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги битимга имзо чекди.

ШҲТнинг галдаги саммити Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида ўтадиган бўлди.

Шу билан ШҲТнинг Москва саммити ниҳоясига етди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун Санкт-Петербургга жўнаб кетди.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими ўтган давр ичида муайян ишларни амалга оширди. Айниқса, кам таъминланган, ногирон ёлғиз карияларга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, ўтган йили ташкилот ва фермер хўжаликлари томонидан хайрия учун 10 миллион 456,2 минг сўм маблағ тушум бўлди. Шундан хайрия ишлари учун 4 миллион 134,7 минг сўм, моддий ёрдам учун 464,1 минг сўм сарфланди.

Шукрона

ФАХРИЙЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, иқтисодий ночор оилалардан моддий ёрдам сўраб 35 та ариза тушди. Уларнинг барчасига моддий ёрдам кўрсатилди.

Туман марказида 4 та маҳалла, 8 та қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориляпти. Обод маҳалла йили муносабати билан маҳаллаларда 420 туп терак, 80 туп олма кўчатлари ҳашар йўли билан экилди. «Энг обод маҳалла», «Энг озода кўча» кўрик-танловлари ўтказиб турилибди.

Ўзбекистон футболининг 90 йиллиги муносабати билан Жиззах шаҳрида 1-5 август кунлари ўтказилган «Футболимиз келажаги» турнирида 1987-88 йилларда туғилган болалар футбол жамоаси қатнашиб, фахрли II ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида жамғарманинг туман бўлими томонидан 226,2 минг сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, маҳаллалараро «Маҳаллангиз паҳлавонлари» турнири, ўқувчи ёшлар ўртасида «Умид ниҳоллари», «Ватанпарварлар», «Шунқорлар», «Соғломжон-полвонжон» каби спорт ўйинлари ўтказиб келиняпти.

Маҳалла паспортларини тайёрлаганмиз. Жойлардаги аҳоли сони, иншоотлар, уйлар, корхона ва ташкилотлар ва бошқа маълумотлар ундан ўрин олган. Чунки маҳаллалар паспорти – бу ўша жойнинг юзи, ойнаси. Маҳаллаларда 2 та, қишлоқ фуқаролар йиғинларида 5 та ўйингоҳ бор. Улар маҳалла ва қишлоқ ёшлари ихтиёрига бериб қўйилган.

Хуллас, маҳалладошларимиз ҳовлилари, кўчаларини обод масканга айлантириш саъй-ҳаракати билан яшашмоқда. Шу боис бу ерда баҳор тугаб, ёз келишига қарамасдан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари давом этмоқда.

Зиёдулла РАҲМАТОВ,
«Маҳалла» хайрия жамғармаси Дўстлик туман бўлими раиси

Мамлакатимиз мактабларида ўқув йили тугаб, ёзги дам олиш мавсуми бошланганига ҳам бир ҳафта бўлиб қолди. Болаларнинг ёзги таътилини мазмунли ўтказиш учун вилоят оромгоҳларида пухта тайёргарлик кўрилди.

ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА

Вилоятнинг хушманзара оромгоҳларида ёзги таътил мавсумида пойтахт ва вилоят шаҳар ҳамда туманларидан 19 минг 535 нафар бола ҳордиқ чиқаради. Бундан ташқари Оролбўйи минтақасидан 1 минг 500 нафар бола дам олади. Ана шу мақсадлар учун ижтимоий суғурта ҳисобидан бир миллиард 250 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Вилоят ҳокимлигида болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилди. Болаларни соғломлаштириш учун керакли маҳсулотлар жорий йилда фақатгина «Матлуботсавдо» ва «Вилоятсавдо» ҳиссадорлик компаниялари орқали сотиб олиниши таъкидланди.

Оромгоҳларда дам олувчиларнинг соғлиқларини доимий назорат қилиш учун вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Дори-дармон» давлат акциядорлик жамияти вилоят бошқарувига муҳим вазифалар юклатилди. Шунингдек, йиғилишда оромгоҳларнинг санитария ва эпидемиология ҳолатини яхшилаш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди. Оромгоҳларни кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари, спорт заллари билан тўлиқ таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Болалар уч навбатда 18 кундан дам олади. Умумий йўлланманинг 20 фоизи ота-оналар, қолган қисми хўжаликлар ва касаба уюшмалари маблағлари эвазига қопланади. Оромгоҳларга, биринчи навбатда, меҳрибонлик уйлари болалари ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандлари жалб этилади. Уларни имтиёзли дам олдиришни ҳам касаба уюшмалари ўз зиммасига олади.

(ЎзА)

Тежалгани нақд бойлик

Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини қондириш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиб, моддий ресурсларни оқилона ва тежамли ишлатиш тадбирлари белгиланган.

ОВУЛЛАРГА - «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Арзон ва қулай ёқилғи ҳисобланган табиий газ самарадорлигини ошириш чоралари кўрилаяпти. Бир-биридан олисда жойлашган қишлоқ ва овулларда истеъмолчилар эҳтиёжларини қондириш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Ҳомий ташкилотлар ёрдамида газ тармоқларини таъмирлаш ва янгиларини ўрнатиш режалари изчил амалга оширилаяпти. Ўтган йили 17 километр масофага қувурлар ётқизилиб, туман маркази Газли – Нукус магистралига уланди. Газлаштириш идораси томонидан 3 километр, маҳаллий бюджет ҳисобидан 5 километр масофага янги қувурлар тортилди.

Элликқалъа – Оролбўйининг жанубий минтақасидаги аҳоли нисбатан тарқоқ яшайдиган мавзе. Айни пайтда тумандаги 13 та хўжаликда жойлашган 15 мингга яқин хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлаяпти. Икки мингта оилага суюлтирилган ёқилғи етказиб берилаяпти.

Қувурларни янгилаш ва таъмирлаш юмушлари тез ва соз амалга оширилаяпти. Бу ишларда слесар ва таъмирловчилардан Саидмамат Ражабов, Султон Пўлатов, Ғафур Ҳайитбоев, Мирзо Нуримбетовларнинг хизмати катта. Улар тармоқлардаги нуқсонларни зудлик билан бартараф этиб, беминнат ёқилғи таъминотини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Туман ҳокимлигидан маълум қилишларича, Вазирлар Маҳкамасининг табиий газ етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорининг ижроси бўйича қатор текширишлар олиб борилган. Ўтказилган мониторинглар-да айрим фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланаётган кишилар иссиқхона, ошхона, новвойхона ва ҳаммомларга ўзбошимчалик билан газ тармоқлари улаб олишганлиги аниқланди. Хонадон ва ташкилотларга газ ҳисоблагич ускуналари ўрнатиш талаблар даражасида эмас.

Табиий газ мамлакатимиз бойлиги. Ундан унумли фойдаланиш барчанинг муҳим ишидир.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

УЛАР СИЗГА МУНТАЗИР

«Қўқоннон» масъулияти чекланган жамият харидорлар талаб ва истаклари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни кунда жамиятнинг 2-нон-қандолат ишлаб чиқариш корхонасида Италиянинг «Ла Манферрина» линияси ишга тушди. Ушбу линия соатига 500 килограмм макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги маҳсулот ўзининг сифати, хуштаъмлиги, замонавий андозалар асосида қадоқланганлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда.

Айни кунда бу ерда етти турдаги юқори сифатли макарон маҳсулотлари 450 граммдан 6 килограммгача қадоқланиб, савдо шохобчаларига жўнатилмоқда. Мутасаддиларнинг фикрича, янги ишлаб чиқариш тармоғи корхона иқтисодий имкониятини кенгайтириб, ёшлар учун янги иш ўринлари яратади.

Маҳалланг — отанг, онанг!

Машҳурбек ночор оилалардан бирининг фарзанди эканлигини Собиржон биларди. Отаси уйдан чиқиб кетган, рўзғор тебратиш онаси Мадинахоннинг елкасига тушганди. Хонадонда тергаб турадиган отанинг ўрни билинди. Ўғил илгари судланган кимсалар билан ош-қатиқ бўла бошлади. Оқсоқол Мадинахонга учрашиб, ўғлининг чакки қадам босаётганлигини бир неча бор эслатди, бўлмади.

ҲАЁТ САБОҒИ

Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади, деганлар. Ҳамтовоқлар тунги ўтиришларнинг бирида бировнинг қўрғонига киши билмас тушдилар. Қўноқдаги товуқларни бўғизлаб, улфатчилик қилишганлиги ҳақидаги овоза ҳам Собиржон аканинг қулоғига етиб келди. Кўп ўтмай, бундан-да хунук воқеа юз беради. «Оғайнилари» молбозорда ўғирланган қора мол арқонини Машҳурбекка тутқазиб, ўзлари харидорнинг йўлига кўз тикиб турарди.

Сигирини қидириб юрган эгаси тўсатдан ўз молини таниб қолди. Машҳурбекни ёқасидан тутиб, ўғридан олиб ўғрига сола бошлади. Бунгача шериклар аллақачон жуфтакни уриб қолишганди. Алданганини пайқаган Машҳурбек бозор ўртасида нима дейишини билмай гарангсиб турарди.

Можаро устига ички ишлар ходимлари етиб келдилар. Суриштирув ишлари қишлоқ участка нозири хонасида давом этди. Оқсоқол Собиржон Усмонов бошлиқ ёшлар билан ишлаш доимий комиссияси фаоллари тарбиячи педагог Одинахон Темирова, маҳалла сардори Дилшодбек Абрушидовлар нозир хонасига бирин-кетин кириб келдилар. Машҳурбекнинг онаси Мадинахон опа ҳам шу ерда эди. Халқимизда бир болага етти маҳалла ота-она, деган нақл бор. Машҳурбек ўртада ер чизиб ўтирарди. Жиноятга жазо муқаррарлиги, бола тарбиясида ота-онанинг роли, ёшларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарлик тўғрисида жўяли мулоқот бўлди. Мадинахон тирикчилик билан болани ўз ҳолига ташлаб қўйганлигини тан олди.

Йиғинда Машҳурбекнинг мол ўғирлашда қатнашмаганлиги, бироқ жиноятга дахлдорлиги ойдинлашди. Ҳамманинг олдида ёмон йўлдан қайтишини маълум қилди. Оқсоқол йигитни маҳалла кафиллигига беришни сўради.

Ҳозир Машҳурбек қишлоқда ўз ўрнини топган, «Ўзбекистон беш йиллиги» ширкат хўжалигининг 13-бригадаси жамоаси уни ўз бағрига олган. Яхши ишлаб, рўзғор тебратишда онасига ёрдамлашмоқда.

«Янги кўрпа» маҳалла фуқаролар йиғини Жалолқудуқ тумани Ёрқишлоқ таркибига киради. Йиғинга 11 нафар кишидан иборат маслаҳат кенгаши етакчилик қилмоқда. У асосан доимий комиссияларга таяниб фаолият юритмоқда. Тоҳиржон Мамасолиев бошлиқ ободончилик ва коммунал тўловлар доимий комиссияси хизматидан аҳоли мамнун. Чунки, комиссия аъзолари турар жойлар, кўчалар, йўллар, майдонлар санитария ҳолатини яхшилаш, кўкаламзорлаштириш, спорт тадбирлари ўтказишда бош-қош бўлишаяпти. Хусусан, гимназия, милиция таянч пункти, маҳалла фуқаролар йиғини биноларини таъмирлаш, айланма чорраҳани тартибга келтириш, гулзорлаштириш юмушлари фаоллар кўмагида амалга оширилди.

Маҳаллада 619 та оила истиқомат қилади. Нафиса Мингбоевалар оиласи стол тенниси, Исмоилжон Эркўзиевлар оиласи шоҳмотчилар мусобақасида туманда совриндор ўринларни эгалладилар.

Бундан ташқари, футбол, волейбол, қўл тўпи тўгараклари ишлаб турибди. Дам олиш кунлари ҳудуддаги 10-мактаб ўйингоҳи спорт ишқибозлари билан гавжум.

Мавлонжон Мамасоипов пахта тайёрлаш пунктининг бўш ётган ёрдамчи биноларини ижарага олиб, қассобхона, новвойхона ва озиқ-овқат моллари дўконини очди. Катта йўл ёқасидаги ташландиқ майдонни тартибга келтириб, гузар ташкил қилди. Натижада бешта янги иш ўрни яратилди. Моҳир ҳунармандлар, тошда гул ундирадиган деҳқонлар ҳам шу маҳалладан чиққан. Масалан, дурадгор Тоҳиржон Парпиев ясаган дераза, ромлар туман гузарларини гуллатяпти. Чеварлардан Нортожихон Эгамбердиева, Мадиёрбек Ашуровлар савобли юмушлар билан эл оғзига тушган. Улар ўқимай-ишламай юрган маҳалла йигит-қизлари бошларини қовуштириб, хусусий тикув-бичув цехини очдилар. Эътиборлиси, олти нафар қишлоқ ёшлари касб-ҳунар эгаллаб, муҳим иш ўрнига эга бўлдилар. Файзулла Хўжаматов, Тоҳиржон Мамасолиевлар ҳовлиларидан ҳатто қиш фаслида ҳам баҳор нафаси уфуриб туради. Уларнинг иссиқхоналарида йил ўн икки ой қирмизи помидор, барра бодринг, карам узилмайди.

Ёрқишлоқ азалдан ободончиликка, гулу гулзорга, орасталикка ўч макон. Шу боис ўтган йили туманда уюштирилган «Вилоятимизни гулу гулзорга буркайлик» шиори остидаги кўрик-танловда қишлоқ аҳли ғолиб бўлди. Содиқжон Мингбоев, Зарифахон Абдурашидовалар оилалари кўрикда «Намунали хонадон» номини олди.

С.РЎЗМЕТОВ

Ҳукуматимизнинг ички бозорни ўз маҳсулотларимиз билан тўлдириш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан пойтахтимиздаги «Ўзэлектраппарат» очиқ ҳиссадорлик жамиятида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

СИФАТИГА ЭЪТИРОЗ ЙЎҚ

- Аввало, маъмурият ходимларини қисқартириш эвазига ишчилар сонини кўпайтирдик,- деди жамият раиси Шавкат КАРИМОВ ЎзА мухбирига. - Корхонамизда 350 нафар ўз касбининг устаси меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан жорий йилнинг биринчи чорагида 238 миллион 731 минг сўмлик турли хил электр ускуналари ҳамда 16 миллион 924 минг сўмлик бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришдик.

Маҳсулотларимиз ўзининг юқори сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда. Шундай сифатли ва нисбатан арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятидамиз.

САВДО РАСТАЛАРИНИ БЕЗАДИ

Ёз келиши билан кунлар қизиб, чанқовбосди, салқин ичимликларга эҳтиёж янада кучаяди. Иқлими иссиқ Қорақалпоғистон шароитида бу жуда катта аҳамиятга эга.

Савдо расталарида «Смак» маркаси билан чиройли, бежирим идишларга қадоқланган салқин ичимликлар кишининг диққатини тортади. Хорижникидан асло қолишмайдиган бу сифатли ва харидоргир маҳсулот «Осиё-Вест» шўъба корхонаси ва «Нукус пиво заводи» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ҳамкорлиги натижасида икки йилдан буён ўзимизда ишлаб чиқариляпти.

- Бу йил ёз мавсумига алоҳида тараддуд кўрдик. Минтақанинг иссиқ иқлим шароитини инобатга олган ҳолда янги турдаги мева шарбатлари ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Мавсумда 1,5 литр ҳажмдаги пластмасса идишларда 40 минг дона маъданли сув ва 40 минг дона 6 хилдаги салқин ичимликлар ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотларимиз Қорақалпоғистондан ташқари Бухоро, Самарқанд, Урганч шаҳарларига ҳам жўнатиляпти,- дейди «Осиё-Вест» шўъба корхонаси раҳбари Владимир Синагатуллин.

Олмониянинг «Do'hler», «Barcerfeld» ва Австриянинг «Kosma» фирмалари ускуналари билан жиҳозланган корхонада айни кунда иш суръати қизғин. Замонавий технология асосида ишлаб чиқарилаётган чанқовбосди ичимликлар пешма-пеш савдо расталарига етказиб беріляпти.

(ЎзА)

Шарҳловчи минбари

ЯҚИН ШАРҚ:

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

БМТнинг Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракати фаоллаша бошлади. Ўтган ҳафта Исроил билан Фаластин ўртасидаги можарога барҳам бериш мақсадида Европа Иттифоқи, АҚШ ва Россия томонидан ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» режасини Фаластин ҳам, Исроил ҳам маъқуллади. Эндиги масала ушбу режани ҳаётга жорий қилишдан иборат.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан мазкур режани Исроил томони маъқуллагани ҳақдаги хабарни олгач, Халқаро ҳамжамият Исроил ва Фаластиннинг ярашув жараёнини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

Кофи Аннан томонлар ушбу режани кечиктирмай амалга оширишга киришар экан, инсонпарварлик, иқтисодий, сиёсий ҳамда хавфсизлик борасида ҳам ўзаро ҳамкорликда ҳаракат қилишига умид билдирди. Чунки, фақат шундай қилингандагина минтақада террорчилик ва зўравонликка чек қўйилиб, тинчлик ва барқарорлик қарор топади, дейилади БМТ қароргоҳидан тарқатилган баёнотда.

Хабарларда айтилишича, 5 июн куни Қизил денгиз соҳилидаги Акаба шаҳарчасида АҚШ президенти Жорж Буш, Исроил ва Фаластин бош вазирлари Ариэл Шарон ҳамда Маҳмуд Аббос иштирокида «Йўл харитаси»ни ҳаётга жорий қилиш масаласига бағишланган саммит бўлиб ўтади. Айрим хабарларга қараганда, саммитда Иордания подшоҳи Абдулла II ҳам иштирок этиши мумкин.

4 июнда эса Оқ уй раҳбари Жорж Буш ушбу масалада айрим араб давлатлари раҳбарлари, жумладан, Миср президенти Ҳусни Муборак ва Саудия Арабистони шаҳзодаси Абдулла билан музокара ўтказишни мўлжаллаган. Мазкур учрашув Мисрнинг Шарм-аш-Шайх шаҳрида уюштирилмоқда.

Шунга қарамай, кузатувчилар «Йўл харитаси»ни амалга ошириш анча қийин кечишини башорат қилаётир. Чунки, мазкур режа минтақада беқарорлик келтириб чиқаришга уринаётган айирмачи гуруҳларнинг нишонига айланиши мумкин. Масалан, ушбу фикр куни кеча Крит оролидаги Херсонисос шаҳарчасида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи ҳамда Шарқий Ўртаер денгизи давлатларининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги анжуманида ҳам айтилди. Шунга қарамай, минтақада тинчлик ўрнатиш борасидаги бу ижобий қадам барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда кутиб олинмоқда.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Бандлик дастури - амалда!

Ижтимоий ҳимоя

МАИШИЙ ХИЗМАТ

50 фоизга арзонлаштирилди

Ҳар тонг қадрдон бўлиб қолган жамиятимизга, ҳаммадан кўра эртароқ келаман. Ишга шошиб келаётган ишчи-хизматчиларга зимдан боқаман. Уларнинг чеҳрасида мамнунлик иштиёқини кўриб, юракдан қувонаман. Чунки кўп нарса кайфиятга боғлиқ. Агар инсон ҳаётидан, касби-коридан, эришаётган ютуқларидан мамнун бўлса, жўшиб меҳнат қилади.

Назаримда жамоамизда ана шундай фидойилар ишлашаяпти. Ўтган йилда 114 миллион соф фойда олганлигимиз фикримизнинг далилидир. Бу илгари йиллар билан таққосланганда 10 баробар кўпдир.

Иқтисодий барқарорлик бўлган жойда ишчи-хизматчиларнинг манфаатлари ҳар томонлама ижтимоий ҳимояга олинади. Шу боис раҳбарият билан тузилган жамоа шартнома асосида, иш берувчи ва ишчилар ўртасидаги меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий ва касбий муносабатларни тартибга солиб олдик.

Жамоамизда 400 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бирига ғамхўрлик кўрсатиб келаяпмиз. Ходимларнинг иш ва маиший шароитларини яхшилаб, қонунларда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишларини йўлга қўймоқдамиз. Жамоа шартномасига асосан ишчиларимизга ўрта ҳисобда ҳар ойига 43 минг сўмдан иш ҳақи тўланмоқда. Ҳар бир байрамда бир пиёла чой устида суҳбат қурилади. Илғор ва кекса ишчиларимизга эсдалик совғалари улашилади.

«Хонжиза» дам олиш уйида 10 нафар, Абу-Али ибн Сино сиҳатгоҳида 30 нафар ишчилар соғлиқларини тиклаб қайтишди. Бу мақсадларга ҳар йили 1-1,5 миллион сўм маблағ сарфланади. Яқинда 30 нафар илғор ишчи маъмурият ҳисобидан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳатга олиб борилди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож 40 та оилага, жумладан, марҳум Павел Чебаратков, Чоршанби Ҳақмуродов, фахрийлар Шароф Ражабов, Тамара Ҳамидова кабиларга 400 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Нафақахўр Т.Бегматовнинг уй-жойини таъмирлаш учун қурилиш материалларидан ёрдам қилинди.

Ҳар қандай бахтсиз ҳодисанинг олдини олиш, меҳнат муҳофазаси борасида муҳандис Абдурасул Нуров раҳбарлигида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Унинг саъй-ҳаракати билан шу йилнинг ўтган даври мобайнида 2 миллион 483 минг сўмлик кийим ишчиларга тарқатилди. Чанг ва зарарли шароитда ишловчиларга сут-қатиқ маҳсулотлари бериб борилмоқда. Ишчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Жамиятимизда ишлаб, ногирон бўлиб қолган Ж.Болтаев, О.Шерматов, У.Хўжаназаровларга мурувват кўрсатилаяпти. Яқинда собиқ ишчи Салом Мелибоевнинг соғлиғини тиклаш учун маъмурият ҳисобидан 450 минг сўм ажратилди.

Қўмита ташаббуси билан корхонада сартарошхона, этикдўзлик, тикув цехи ишга туширилди. Бу маиший хизмат нуқталарида ишчиларимизга 50 фоиз арзонлаштирилган нархда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Ҳиссадорлик жамият тасарруфида тиббий поликлиника ташкил этилган. Бу ерда даволаш, стомотолог, кўз, қулоқ ва бурун шифокорлари хизмат қилишмоқда. Поликлиникада барча типдаги тиббий жиҳозлар, узи, дарсанвал, электр массаж каби ўнлаб аппаратлар мавжуд.

А.ПАРДАЕВ,
Денов «Пахта тозалаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси

МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА

ишга жойлашдилар

Қарши туман ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимида ҳудудий дастур асосида бир мунча ишлар амалга ошириляпти.

- Янги иш ўринлари асосан тадбиркорлар томонидан ташкил этилаётган кичик корхоналар ҳисобидан кўпаймоқда, - дейди бўлим бошлиғи Шозода Матқулова.

Ўтган 2002 йилда 2047 киши рўйхатга олиниб, 1238 нафар ёшлар иш билан таъминланди. Жорий йилнинг уч ойи давомида меҳнат бўлимига 600 нафарга яқин киши турли масалаларда мурожаат қилган бўлса, 483 нафари ишсизлик рўйхатига олиниб, 286 нафар киши ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилди. Корхона ва ташкилотлардан иш ўринлари қисқартирилган 7 нафар киши муддатидан олдин пенсияга чиқарилди.

Қундуз Каромова раҳбарлик қилаётган «Гулшан» савдо ишлаб чиқариш фирмаси Меҳнат бўлими томонидан 5 миллион сўм кредит олиб қандолатчиликни йўлга қўйди. Шу йўсинда бу ерда 8 иш ўрни яратилди. Бешкент шаҳрида ташкил этилган ушбу корхона маҳсулотлари харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи Ибодулла Зиёдов «Озод» фермер хўжалиги ташкил этиш учун Меҳнат бўлими томонидан олган 5 миллион сўм ҳисобига 12 та янги иш ўринлари яратди. Шунингдек, «Қовчин» савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Иброҳим Холиёров 10 миллион сўм олган кредити ҳисобига 30 нафар кишини иш билан таъминлашга муваффақ бўлди. Бу ерда салқин ичимликлар ишлаб чиқариш билан бирга қандолатчилик ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти.

Жорий йилда туман меҳнат бўлими жамоаси «Аҳолини иш билан таъминлаш» ҳудудий дастури бўйича ҳам бир мунча ишларни амалга оширяптилар. Бунда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб борилаётганлиги яхши самара беряпти. Яқинда туманда ўтказилган «Бўш иш ўринлари» меҳнат ярмаркасида 48 ташкилот 253 та ишчи ўрни билан қатнашди, натижада 73 киши иш билан таъминланди. Шундан 53 нафари ёшлардир.

Қашқадарё вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Қарши туман ҳокимлиги Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза бўлими, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамкорлигида Қарши туманида ўтказилган «Тадбиркор аёллар» кўргазмали семинарида меҳнат бўлими иш фаолияти билан яқиндан танишилди. Семинар иштирокчилари Бешкент шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркасида бўлиб «Зафко ЛТД» қўшма корхонаси, «Юлдуз-чевар» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси, «Абдукарим ота» фермер хўжалигининг қандолатчилик цехи, «Гулшан» хусусий фирмаси, якка тартибдаги тадбиркор Олия Равшанованинг тикувчилик цехи фаолияти билан танишдилар.

Семинарда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири

Бугуннинг одамлари

РАҒБАТ БОР ЖОЙДА...

Жумабой аканинг нонуштаси яна чала бўлди. Чорва фермасидаги тунги навбтчиликдан қайтиб эндигина дастурхонга ўтирган ҳам эдики, раис Абдумуталлибжон Раимқулов қўнғироқ қилиб қолди.

– Банкдан гапиряпман. Апрел авансига 100 миллион унадиган бўляпти. Боя «Хўжатепа» маҳалласидан ўтаётиб, арикдан пақирда сув ташиётган аёлларга кўзим тушди. Сув насоси ишламаётибди, чоғи, хабар олиб қўясизми?!

У раиснинг ташвишини дарҳол пайқади. Сабаби, маҳаллада 3 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Гузар, чойхона ишлаб турибди. «Болалар боғчаси, лицей талабаларининг тоза ичимлик суви таъминоти нима бўлади?»

...Пешинга яқин Хўжатепа маҳалласидаги сув насослари гуриллаб ишга тушди. Қувурлардан хонадонларга, болалар боғчаси, лицей, гузар, чойхона каби маданий-маиший хизмат тармоқларига оби-ҳаёт оқа бошлади.

Идорада Жумабой акани яна бир юмуш кутаётганди. Касабақўм ҳузуридаги маданий-маиший ва оммавий ишлар доимий комиссияси куни-кеча маслаҳатга тўпланганди. Жамоа шартномасининг ушбу масалалар бўйича бандларининг ижроси йиғинда кўриб чиқилганди.

Унда иш берувчи томонидан ёрдамчи-ҳисобчи Имомали Кенжабоев иштирок этганди. Хуллас, касабақўм раиси икковлашиб пиллакорларга бепул иссиқ овқат ташкил қилишни режалаштириб қўйишганди.

Имомали билан тушлик устида касабақўмнинг қўшма қарори лойиҳаси тайёрланди. Сарф-харажатлар касаба уюшма маблағи ҳисобидан қопланадиган бўлди. Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек ҳамкорлар туман бош пиллахонасига йўл олдилар. Содиқжон Бобохонов билан трининг битишув тузилди. Чунки, жамоа шартномасида касабақўмнинг бошқа давлат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилиши белгиланган. Бунга ЎЗКУФКнинг ҳаракат Дастури асос қилиб олинганди.

Келишилган ҳолда бош пиллахона ҳисобидан ишчиларга иссиқ овқат учун гуруч маҳсулотлари ажратилиши айни муддао бўлди. Сабаби, жамоа шартномасида кўрсатилганидек, моддий ва маънавий рағбатлантириш, ипак қурти боқувчиларининг мавсумда меҳнат қилиши ва уларнинг маиший шароитини яхшилашга касабақўм дахлдор. Чунки, жорий йилда 16,3 тонна «кумуш тола» тайёрлаш ва шу билан бирга 300 нафарга яқин пиллакорнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашнинг ўзи бўладими? Кўп ўтмай пиллакорларга ширкат омборидан гуруч маҳсулотлари тарқатила бошланди.

Мана, беш йил бўляптики, Жумабой ака Тожибоев ширкат раиси ўринбосарлигини жамоатчилик асосида касабақўм раислиги билан қўшиб олиб боряпти. Бағри кенг, танти инсон ҳамиша қишлоқ аҳли билан ҳамнафас бўлиб яшаган.

Ҳа, чиндан ҳам Қўрғонтепа туманидаги «Қўштепа» ширкат хўжалигида ижтимоий-иқтисодий ҳимоя ишлари яхши йўлга қўйилган. Биргина 2002 йилда соҳага 2,5 милион сўм маблағ сарфланди. Ёки ҳар бир касаба уюшма аъзосига шу мақсадда 33 минг сўмдан ҳаражат қилинди. Жорий йилда 38 минг сўм миқдорида сарф-харажат қилиш кўзда тутилган. Иш ҳақи ҳар ойда, кечиктирилмасдан ҳисоб-китоб қилинмоқда. Ўтган йили 20 нафарга яқин ширкат аъзоси хўжалик ҳисобидан сиҳатгоҳларда мароқли ҳордиқ чиқариб қайтди. Шу кунларда дала меҳнатчиларига бир гектар ер ишлови учун 10-11 килограммдан бир марталик бепул пахта ёғи тақсимланяпти. Шунингдек, зарарли шароитда ишловчиларга текинга сут-қатиқ бериляпти, кунига бир маҳалдан иссиқ овқат тайёрланмоқда.

Меҳнатга рағбат бор жойда хўжаликнинг молиявий аҳволи ҳам янада мустаҳкамланаверади. 2002 йилда давлатга 1345 тонна пахта, 1314 тонна ғалла сотилиб, шартномавий мажбуриятлар ортиғи билан уддаланди. Соф фойда 28 миллионга кўпайди. Ишчилар 2,5 миллион сўмлик дивидентдан баҳраманд бўлдилар. Эътиборлиси шундаки фойда турмуш фаровонлигига сарфланмоқда. Янги гузар қурилиб, иш бошлади. Тошлоқ аҳоли мавзесида 3 километр узунликдаги тоза ичимлик суви, 1,5 километрлик масофада газ тармоғи тортилди.

Қўштепаликларнинг жорий йилдаги аҳдлари қатъий. Улар пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга, донни 70 центнерга кўтаришга бел боғлашган. Меҳр билан парваришланаётган ғўзалар яганалаш арафасида. Маромида ишлов берилаётган буғдой ёппасига бошоқлаган. Бир сўз билан айтганда иш билан ҳаёт бир маромда давом этмоқда. Бунда ҳамиша эл ташвишида юрган Жумабой ака сингари фидойи инсонларнинг ҳам салмоқли улуши бор.

Р.СОБИРЖОНОВ

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛАДИ

"Самарқандавтойўл" давлат акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги "Афросиёб" асфальт заводи ҳадемай янги қувватда иш бошлайди. Бу ерда Германиянинг AMMANN фирмаси кенг миқёсдаги монтаж ишларини олиб бориб, заводга замонавий асфальт тайёрлаш ускуналарини ўрнатди.

Бундан қарийб йигирма беш йил муқаддам ўрнатилган соатига 60 тонна асфальт тайёрлаш қувватига эга бўлган, ускуналар кейинги йилларда эскирганлиги боис соатига 20- 25 тонна асфальт чиқараётган эди. Янги ускуналар эса соатига 160 тонна асфальт тайёрлаш имкониятига эга.

- Бундай юқори қувватли замонавий ускуналар билан жиҳозланган завод МДҲ давлатлари ҳудудида ҳозирча фақат икки жойда, яъни Тошкент ва Самарқандда барпо этилмоқда,-деди "Афросиёб" йўлларидан фойдаланиш бошқармаси раҳбари Д.Эрматов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Июн ойининг дастлабки ўн кунлигида заводда монтаж ишлари якунланиб, тўла қувватда иш бошлайди.

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақларининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

ЎЗГАНИ ҚАДРЛАШ

ўзни улуғлаш

Шу боис касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан енгил саноат тизими корхоналарида ойлик маошлар тўланишининг аҳволи ўрганилди. Кенгаш раиси муовини Ш.Алланазаров, тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси И.Аҳмедов, бошланғич ташкилотлар раислари иштирокида Шаҳрисабзда кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ўтказилди.

Эътироф этиш лозим, маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлигида иш ҳақидан қарздорликни тугатишга қаратилган аниқ чоралар кўрилаяпти. Масалан, «Оқсарой тўқимачи ЛТД» қўшма корхонасида ходимларга ойлик маош вақтида тарқатилаяпти. Ишчилардан Х.Тўраев, У.Мажидов, Д.Муртазоевлар билан суҳбатлашганимизда, ойлик маош 48-50 минг сўмдан ошаётганлигини, транспорт хизмати, овқатланиш, дори-дармон бепул эканлигини мамнуният билан таъкидладилар.

Самарадорлик унумли меҳнатга чорламоқда. Жорий йилнинг ўтган ойларида вилоятдан четга экспорт қилинган маҳсулотнинг 8,7 фоизи қўшма корхона ҳиссасига тўғри келади.

Раёсат йиғилишида «Корхона ва ташкилотларда иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича касаба уюшмаларининг ҳаракат тартиби тўғрисида» VI бўлимдан иборат дастур қабул қилинган. Иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг берилиши устидан доимий назорат йўлга қўйилган бўлиб, қарздорликни тугатиш бўйича мониторинг ўрнатилган.

Автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма қўмита раислари кенгаши саъй-ҳаракати билан муддати ўтган қарздорлик 40757,4 минг сўмга камайтирилди. «Қашқадарётранс» уюшмаси бошқаруви (Т.Холиқов)нинг қатъий талабчанлиги натижасида Косон, Касбидаги автокорхоналарда муддати ўтган қарздорликка барҳам берилди. Қарши, Чироқчи, У.Юсупов туманларидаги автокорхоналарда ҳам бу борада жиддий ўзгаришлар қилинди.

Меҳнат Кодексининг 154-моддасида иш берувчи ўзининг молиявий аҳволидан қатъи назар бажарган иш учун меҳнат ҳақини кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт эканлиги кўрсатиб қўйилган. Шунга қарамасдан агросаноат мажмуида аҳвол ташвишлигича қолмоқда. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги хўжаликлар, «Қашқадарё пилласи» акционерлик жамиятининг тумандардаги бўлинмалари иш ҳақини ҳозирга қадар тўлиқ тарқатган эмаслар. Бошқача айтганда агросаноат тизилмаларида маошдан қарздорлик 50 миллион сўмдан ошиб кетди.

Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати тармоғида ҳам ходимларга маошлар кечикиб тарқатилмоқда. Айрим корхоналарнинг ҳисоб рақамларида маблағлари бўла туриб, банкларда пул тақчиллиги туфайли маош бериш пайсалга солинаяпти. Бу борада амалий ёрдам кўрсатишни сўраб вилоят ҳокимининг ўринбосари, минтақавий пул кредит комиссияси раиси Ш.Назаровга мурожаат қилинди. Вилоят прокурорига хат юборилди.

Қарор ижроси билан кучли. Шу боис иш ҳақларини ўз вақтида тўлашни таъминламаган, маъмурият ва касаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва келишувларини амалга оширишга масъулиятсизлик билан қараётган мансабдор шахслар охир оқибат ўта ноқулай аҳволда қоладилар.

И.ТИЛЛАЕВ

ТАШАББУС!

Пахтаобод туманидаги 21-мактаб-интернатини бу йил 60 нафар йигит-қиз битирмоқда. Битирувчилар ўз синфларини таъмирлаб, келгуси ўқув йилига топшириш ташаббуси билан чиқишди.

Ушбу ташаббусни ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам қўллаб-қувватлашди. Эндиликда битирувчилар дарсдан бўш вақтларида ўзлари ўқиган синфхонани таъмирлашмоқда.

Битирувчилар яна битта хайрли ишнинг ташаббускори бўлишди, - деди мактаб директори Шавкат Зиёвуддинов "Туркистон-пресс" мухбирига. Бу йилдан бошлаб ҳар бир битирувчи мактаб кутубхонасига биттадан бадиий китоб совға қилади. Шу йўсинда битирувчи ёшлар кутубхонанинг бойишига ўз ҳиссаларини қўшишади.

Меҳнаткаш манфаати мустаҳкам ҳимояда

ФИРИБГАР РАҲБАР

ходимларни чув туширмоқчи эди. Аммо қонун бунга йўл қўймади

Истиқлол йилларидаги қувончли ўзгаришлар одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириб юборди. Инсон омили, унинг қадр-қимматига бўлган эътибор ортди. Бугун ҳамюртларимизга ўз севган касбини эгаллаши, меҳнат қилиши, имкониятларини намоён этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, десак муболаға бўлмайди. Демакки, ҳар бир фуқаро бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ яшаш, тўкис ва фаровон ҳаётга эришиш ўз қўлида эканлигини яхши билади. Буни эътибордан фаромуш этмай эртанги кун сари ишонч ила одимлаётган замондошларимиз эришаётган натижалар барчамизнинг кўз ўнгимизда намоён. Улар илму салоҳияти, касб-ҳунари, интилишлари билан оилалари фаровонлигини оширибгина қолмай, эл-юртга наф келтириб, тараққиётга ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳа, бугун у қайси соҳа бўлмасин, муваффақиятга эришиш манфаатдорликка боғлиқ эканлиги оддий ҳақиқат. Бу амалда бўлган қонунларда ҳам ифодасини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Қодекси»нинг 161-моддасида: «Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ва бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас», деб белгиланган. Афсуски, мазкур кодекс ва меҳнатга ҳақ тўлашга оид бошқа қонун ҳужжатларига барча жойда бирдек риоя қилинмаяпти. Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишларнинг бирида шунинг гувоҳи бўлинди.

Аслида иш ҳақи, нафақа пуллари ва бошқа тўловларни вақтида бериб, ишчи-ходимларига рағбат кўрсатаётган ва шунинг натижасида муваффақиятга эришаётган меҳнат жамоалари кўп. Аммо тумандаги «Нигоҳ» кўп тармоқли хусусий фирмаси бошлиғи Муҳибилло Қаҳҳоровнинг тутган иш услуби ҳар қандай кишини таажжубга солади. М.Қаҳҳоров 11 нафар фирма ишчиларини Тўрақўрғон туманида бунёд этилаётган касб-ҳунар коллежи қурилишига йўллади. Каттагина даромаддан умидвор бўлган ишчилар астойдил меҳнат қилдилар. Аммо орадан икки ой ўтса ҳам ойликдан дарак бўлавермади. Раҳбардан бу ҳақда сўрашганида, «Коллеж иш ҳақимизни ҳисоб-рақамимизга тушуриб бермаяпти. Шунинг учун ойлик кечикяпти», деган жавобни олишди. Ноумид шайтон, фирма ишчилари «Бугун бўлмаса, эртага олармиз», дея яна ишга шўнғиб кетдилар. Ахир улар бу гаплар М.Қаҳҳоровнинг найранги эканлигини қаёқдан ҳам билишсин. Бу 2000 йилдаги ҳолат эди. Ишчи-хизматчиларнинг сабр-тоқатию, фирма раҳбарининг устамонлигини қарангки, маккорликда қилни қирқ ёрадиган М.Қаҳҳоров 2001 йилга қадар аввалги иш ҳақларини ололмаган ходимларини яна алдаб, энди Навоий вилоятига олиб кетади. Бу ерда ҳам коллеж қурилишида иш бошлаб юборган ходимларда «Аввалгидек қуруққа меҳнат қилиб қолмасмиканмиз?», деган ҳадик йўқ эмасди. Уларнинг хавотири бежиз эмас экан. Бу ерда ҳам иш битгач, бошлиқ навбатдаги фирибни қўллади: «Сизлар Косонсойга бораверинглар, мен пулларингни олиб бораман: Маблағ ҳал бўлгунича барчамиз шу ерда юрсак, ўзимизга зиён бўлади». Соддадил ходимлар Косонсойга қайтишди. Аммо орадан кунлар, ойлар ўтса ҳам Муҳибиллодан дарак бўлмади. Энди ўн бир қурувчи ҳар куни Муҳибиллонинг остонасига келиб, уни кутишарди. Раҳбарнинг йўлига интизорлик билан ўтган дамлар бесамар кетмади. Кунларнинг бирида қаршиларида пайдо бўлган ҳийлагар раҳбарни маҳкам тутиб, ундан иш ҳақларини талаб қилишди.

Аммо устасифаранг Муҳибилло бу гал ҳам осон қутилди. «Тез кунда иш ҳақларингни тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бераман», деб тилхат ёзиб берди-да, уларни хотиржам қилиб, ўзи яна кутилмаганда ғойиб бўлди.

Охири бу гал ҳам алданиб қолганларини англаб етган қурувчилар туман прокуратурасига мурожаат қилишди. «Нигоҳ» кўп тармоқли хусусий фирмасида текширув ўтказилганда, юқоридаги ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Яъни, фирма раҳбари М.Қаҳҳоров Абдурашид Абдуллевдан 25.650 сўм, Муҳаммаджон Юлдашевдан 110.720 сўм, Адашвой Мусаевдан 114.850 сўм ва шу тариқа ўн бир нафар ходимдан жами 834.240 сўм қарздор эканлиги маълум бўлди. Прокуратура томонидан бу ҳақда Янгиқўрғон туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилиб, суд жавобгар Муҳибилло Қаҳҳоровдан даъвогарларга тўлиқ иш ҳақини ва 80 минг сўм давлат божи ундириш ҳақида ҳал қилувчи қарорни чиқарди.

Эл манфаати ҳамма нарсадан улуғ. Яна бир гап: у қайси соҳа бўлмасин, омад калити аввалambор ишчи-ходимларга кўрсатилган рағбатга боғлиқ.

Р.УМАТАЛИЕВ,
Косонсой туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси

TV дастури

2-8 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ДУШАНБА, 2

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.45 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Пилигримм кемасининг капитани». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
11.55, 15.35 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
12.25 1. «Санъат ғунчалари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.25 «Дунёни болаларга берайлик». Бадиий-мусиқий дастур.
14.10 Кундузги сеанс: «Изтопар». Бадиий фильм.
15.40 «Яхшилик». Телешоу.
16.30 «Камила». Телесериал.
17.00 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
17.20 ТВ клип.
17.30 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Кўҳна оҳанглар».
18.40 «Таянч нуқтаси».
19.00 ТВ клип.
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 Долзарб мавзу.
21.40 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
22.00 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал.
23.10 ТВ клип.
23.20 «Япония турмуш тарзи». Ҳужжатли телесериал премьераси.
23.40 «Ахборот-дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30 ТВ-анонс.
17.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
18.00 «Янги авлод» почтаси.
18.15 «Тўлан Низом» («Ўзбектелефильм»)
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Кўҳна оҳанглар.
19.50 Ёшлар овози.
20.10 Илдиз ва япроқ.
20.30 Ватан ҳақида қўшиқлар.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.50-0.55 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 20.45, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.05, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
19.35 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
22.05 «Avto-news».
22.45 Кинонигоҳ. «Қайсарнинг қуйилиши».
00.10-00.15 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Бугунги медицина».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Мушкетерлар йигирма йилдан сўнг». Бадиий фильм. 1-қисм.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 А. Пугачёванинг концерти.
23.35 «Ахборот» (рус тилида)
00.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА, 3

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Бир кулишайлик».
9.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
9.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.20 «Довюрак Хочбар ҳақида ривоят», Бадиий фильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Бахтимизга омон бўлинг».
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Кўпчилик қаторида».
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.40 Кундузги сеанс: «Шайтонвачча». Бадиий фильм.
15.50 Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпионати.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.10 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Дурбин». Ҳажвий тележурнал.
18.55 «Тафсилот».
19.10 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 ТВ клип.
21.35 Болалар спорти: «Қизлар қайси спорт тури билан шуғуллангани маъқул?»
21.50 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал.
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-»Металлург» (Ёзиб олинган)
00.50-00.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виждон» 1-қисм.
10.00 ТВ-анонс.
10.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Болалар байрами, Мультфильм.
11.05 Бизнес-академия.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 Саломат бўлинг.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Давр.
13.10 Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни олдидан: «Тоғлар». Маърифий фильм.
13.40 Республика мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари якунлари.
13.55 Интерфутбол.
15.35 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.20 Илдиз ва япроқ.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Бахтли болалик.
17.25 Солиқ ҳақида сабоқлар.
17.40 Истиқлол ёшлари.
18.00 Рақслар гулдастаси.
18.10 Ёшлар овози.
18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Марди майдон.
20.15 Кўҳна оҳанглар.
20.30 Ўзбек мумтоз шеъриятидан.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Болалар спорти. Болалар таҳсил оладиган даргоҳларда аҳвол қандай?
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
0.10-0.15 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 20.45, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Ҳимоя».
18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
19.35 «Мушоҳада».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.05 Долзарб мавзу.
21.30 «Туризм ҳақида».
22.45 Кинонигоҳ. «Лужин ҳимояси».
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Спорт масканларида».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 Кулгу хонаси.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Юра даври боғининг сирлари»
19.50 «Хроника».
20.00 «Время».
20.40 «Мушкетерлар йигирма йилдан сўнг». Бадиий фильм. 2-қисм.
21.50 «Бизнес ревю».
21.55 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.05 «Қаҳрамон». Бадиий фильм.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЧОРШАНБА, 4

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Баркамол авлод орзуси».
9.20 «Шарқ тароналари».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Истеъмолчи».
10.25 «Дўст». Бадиий фильм.
11.55, 12.40, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
12.45 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 Мусиқамиз хазинасидан.
14.30 Болалар спорти: «Қизлар қайси спорт тури билан шуғуллангани маъқул?»
14.45 «Динозаврлар билан сайр». Ҳужжатли телесериал.
15.15 «Қалб гавҳари».
15.35 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф-Навбаҳор».
16.25 «Ягона оилада».
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Қизиқарли учрашувлар».
18.10 «Қуёшда пишган нон». Мультфильм.
18.20 «Аския».
18.40 Репортаж.
18.45 «Олтин бешик».
19.05 «Таянч нуқтаси».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист таҳлили».
21.25 ТВ клип.
21.35 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».
21.50 Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.20 «Келин-куёв». Телешоу.
23.15 «Спорт, спорт, спорт».
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виждон» 2-қисм.
10.00 «Ғаройиб саёҳат». Мультфильм.
10.10 «Давр»- интервью.
10.25 ТВ-анонс.
10.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар, Бахтли болалик.
11.10 Солиқ ҳақида сабоқлар.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Истиқлол ёшлари.
12.25 Ёшлар овози.
12.45 Кўҳна оҳанглар.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Давр.
13.10 Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни олдидан: «Океан тубида». Маърифий фильм.
13.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.
14.40 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.

15.05 Автопатрул.
15.25 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.50 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Ҳамма нарсани билишни истайман.
17.25 Болажон.
17.40 Музейлар бўйлаб.
18.00 Минг бир маслаҳат.
18.20. Ёшлар овози.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Лабиринт.
20.00 Спорт- лото.
20.10 «Coscom» хабарлари.
20.15 Кўҳна оҳанглар.
20.20 Чемпион сирлари.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.50 – 0.55 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 20.45, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.05, 22.25 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
19.35 «Мусиқий меҳмонхона».
20.25 Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
22.00 «Ҳамшаҳарлар».
22.45 Кинонигоҳ. «Вебвейн бекати».
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 Мультсеанс.
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий дастур.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Заиф бўгин».
20.00 «Время».
20.40 «Мушкетерлар йигирма йилдан сўнг». Бадиий фильм. 3-қисм.
21.55 «Бизнес-ревю».
22.00 «Арт – каталог».
22.20 «Спорт технологияси».
22.40 «Кун мавзуси».
23.00 «Ахборот» (рус тилида)
23.30 «Илҳом париси». Бадиий фильм.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА, 5

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

БУТУН ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТ КУНИ.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Экология ва саломатлик».
10.15 «Ноёб тур». Бадиий фильм.
11.30 «Спорт, спорт, спорт».
11.45 Мусиқий танаффус.
12.05 «Ер - бебаҳо бойлик».
12.20, 13.55 ТВ анонс.
12.25 «Алиса ғаройиботлар мамлакатида». Мультфильм.
13.35 «Журналист таҳлили».
14.10 Болалар спорти: «Маҳалламиз стадиони».
14.25 Кундузги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
15.35 «Инсон - ҳаёт гултожи».
15.55 Ички Ишлар Вазирлиги «Осиё юлдузлари» ансамблининг концерти.
16.15 «Камила». Телесериал.
16.45 «Экологик тарбия».
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Оромгоҳлар мавсумга шайми?»
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Қўшиғимиз сизга армуғон».
18.30 «Яхши ният». Телелотерея.
19.05 «Оламни асранг!»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 ТВ клип.
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.25 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
22.55 «Саҳна ҳаёти».
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виждон» 3-қисм.
10.00 Болажон.
10.15 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар, Ҳамма нарсани билишни истайман.
10.55 Минг бир маслаҳат.
11.15 Тафаккур ёлқинлари.
11.30 «Гвадалупе». Телесериал.
12.10 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Давр.
13.10 Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни : «Сувни кўтарилишидан қайтишигача». Маърифий фильм.
13.40 Ёшлар овози.
14.00 Интерфутбол.
15.40 Йигит омон бўлса.
15.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.20 «Қушлар» («Ўзбектелефильм»)
16.35 ТВ-анонс.
16.40 Кўрсатувлар дастури.
16.45 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри, Болалар ташкилоти, Мультфильм.
17.35 Автосалтанат.
17.50 Ёшлар овози.
18.10 Ракурс.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55,. 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.00 Мезон.
20.20, 21.05, 22.35 Эълонлар.
20.25 «Гвадалупе» телесериал.
21.10 «Меҳр кўзда».
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.50-0.55 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 20.45, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.05, 22.15 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
19.35 «Бурч ва маъсулият».
19.50 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Саҳродаги қўриқхона».
20.25 Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Умр йўлдоши».
22.40 Кинонигоҳ. «Уй қамоғи».
00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Ҳинд оҳанглари».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 Ҳужжатли фильм.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 Пласидо Доминго концерти.
20.00 «Время».
20.40 «Мушкетерлар йигирма йилдан сўнг». Бадиий фильм. 4-қисм.
22.10 «Бизнес ревю».
22.15 «Юқори технологиялар олами».
22.25 «Ишбилармон кишилар».
22.45 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
22.55 «Соккер клуб».
23.15 «Ахборот» (рус тилида)
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 6

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Портрет».
«Болалар сайёраси»:
9.10 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Оромгоҳлар мавсумга шайми?»
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Спирит-Симорон оти». Мультфильм.
11.20 «Дурбин». Ҳажвий тележурнал.
11.45 Мусиқий танаффус.
11.55, 12.25 , 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Меҳр қолур».
12.30 «Ўлан айтгани келдик».
12.50 «Олам». Телеальманах.
13.20 ТВ клип.
13.30 «Саҳна ҳаёти».
14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс: «Жадвалдан ташқари поезд». Бадиий фильм.
16.05 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
16.30 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Югурамиз-чопамиз».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.45 «Нурли манзиллар».
18.10 «Хом хаёл». Мультфильм.
18.20 «Мувозанат».
18.40 Мумтоз наволар.
18.50 «Тафсилот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.15 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
22.45 «Олтин бешик».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виждон» 4-қисм.
10.00 «Бор эканда, йўқ экан». Телефильм.
10.10 «Давр» - интервью.
10.25 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри, Болалар ташкилоти, Мультфильм.
11.15 Мезон.
11.35 «Гвадалупе». Телесериал.
12.15 Ёшлар овози.
12.35 Ракурс.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: »Олтин балиқ ва балиқча ҳақида эртак».
13.40 Интерфутбол.
15.20 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
15.45 Кўҳна оҳанглар.
15.55 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 Ўйна, болажон, ўйна.
16.40 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Мультфильм.
17.20 Дунё ажойиботлари.
17.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.00 Аскар мактублари.
18.20 ТВ-Бинго миллионер. Телелотерея.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Кўҳна оҳанглар.
20.00 Азизим.
20.25 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.30 «Гвадалупе». Телесериал.
21.15 «Яқин - йироқлар». Бадиий - публицистик кўрсатув. Қашқадарё вилояти.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.50 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2.Футбол плюс.
0.35-0.40 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
17.55, 20.45, 21.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.05, 22.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «ТТVда сериал. «Мафтункор аёл».
19.35 «Ўзбегим навоси».
19.50 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Лайлаклар».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Эл хизматида».
22.25 Кинонигоҳ. «Устаси фаранг».
23.55-00.00 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.25 А. Хачатуряннинг 100 йиллигига «Қилич ўйини». Ҳужжатли фильм.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 «Бизнес ревю».
20.40 «Дурдаршан».
21.05 «Услуб».
21.20 «Хит парад».
21.40 «Тунги учрашув».
21.55 «Яшаш воситаси».
22.10 «Эслайсизми».
22.25 «Тунги навбатчилик».
22.40 «Ахборот» (рус тилида)
23.10 Бокс.
23.45 «Поезд Бруклингача боради». Бадиий фильм.
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин».

ШАНБА, 7

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Югурамиз-чопамиз».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
9.45 Мусиқий танаффус.
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 «Бу турфа олам».
11.10 «Маърифат». Телеальманах.
11.30 ТВ клип.
11.40 ТВ 1 кинотеатри: «Садоқат». Бадиий фильм. 1-қисм.
12.50, 14.45 ТВ анонс.
12.55 «Самарқанд наволари».
13.15 «Садоқат». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.50 «Адабий жараён».
15.10 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
15.40 «Ягона оилада».
16.10 «Чорраҳа».
16.30 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа.
17.20 «Буни умр дерлар».
17.35 «Рангин дунё».
17.55 «Ўзбеккино» тақдим этади : «Хаттотлик санъати».
18.05 «Куйла, ёшлигим».
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Эстрада тароналари.
21.25 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.25 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
23.05 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.25 «Онегин». Бадиий фильм.
1.00-1.05 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Мультфильм.
10.15 Табобат оламида.
10.35 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
11.25 Тонгги тароналар.
11.35 «Гвадалупе». Телесериал.
12.15 ТВ-анонс.
12.20 Кутилмаган меҳмон.
12.40 Кўҳна оҳанглар.
12.50 Ринг қироллари.
13.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.00 Жаҳон мусиқа хазинасидан. «Отелло» операси.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг танишайлик.
17.05 «Саккизоёқчалар». Мультфильм.
17.15 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Коинот». Маърифий фильм 3-қисм.
18.05 Саломатлик сирлари.
18.25 Бизнес-академия.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 ТВ-анонс.
19.50 Оила тилсими.
20.15, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.20 Маслаҳат.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.55 Кинотақдим.
23.15 «Шоҳдор тулпор саёҳати». Бадиий фильм 1-қисм.
0.40-0.45 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10, 20.10, 21.25 «Экспресс» телегазетаси.
18.30 «Афиша».
18.50 «Эҳтиром ила»
19.05 «Мисли гавҳар».
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Номаълум Қизилқум».
20.55 «Нима учун?»
21.45 «Тв плюс».
22.15 Кинонигоҳ. «Сабрина».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Ўзбекистон табиати». Телефильм.
9.50 «Воқеа».
10.10 «Кузатувчи». Премьера.
10.40 Кулгу панорамаси.
11.20 Табиатшунос билан сайёҳат.
11.50 Болалар соати: «Оливер ва унинг дўстлари». Бадиий фильм.
12.55 «Экран зийнати ва қиймати».
13.25-14.25 Дўстлик видеоканали: «Бағри кенг Ўзбекистон», «Умид», «Немис шарҳи».
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Бинафша».
16.50 «Билишни истайман».
17.05 «Жаҳон рақслари».
17.20 Йил қўшиқлари. «Ёз».
18.55 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.25 Нима? Қаерда? Қачон?.
21.50 Ахборот.
22.20 Аншлаг.
23.05 «Европа-2004». Футбол Швейцария-Россия.
1.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА, 8

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.20 «Соз сеҳри».
9.40 «Бонифаций таътилда». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.30 ТВ анонс.
12.35 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
13.15 ТВ 1 кинотеатри: «Хоним ва қароқчи». Бадиий фильм.
14.30 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
15.10 «Қорақалпоқнома».
15.30 «Уй бекаси».
15.50 «Маугли». Мультфильм.
17.25 «Санъатга бахшида умр».
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
17.45 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 20.00. 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.05 ТВ клип.
21.15 «Яхшилик». Телешоу.
22.05 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари кундалиги.
«Якшанба кинозали»:
22.35 «КиноТеатр».
22.55 «Такси». Бадиий фильм.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури
9.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Келинг танишайлик.
9.40 «Танаффус». Мультфильм.
9.50 Дунё ажойиботлари.
10.10 Оҳанрабо.
10.50 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
11.40 «Яқин - йироқлар». Бадиий - публицистик кўрсатув.
12.15 «Қилни қирқ ёриб» Интеллектуал ўйин.
13.05 «Ёшлар телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон, 2.Аскар мактублари.
13.45 «ФИФА» (Футбол ичида, футбол атрофида)
14.25 Азизим.
14.50 Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари куйлайди.
15.05 Меҳр кўзда.
15.45 Лабиринт.
16.10 «Қаҳқаҳа» театр - студияси намойиш этади.
16.50 ТВ-анонс.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Уй вазифаси, Катта танаффус, Мультфильм.
18.00 ТВ-анонс.
18.05 Спорт ҳафтаномаси.
18.20 Хуш келибсиз.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Ҳандалак.
19.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшан Комилов куйлайди.
20.15, 20.40, 22.30 Эълонлар.
20.20 «Ҳамдардлар» Қисқаметражли бадиий фильм.
20.55 «Герберт Уэлс олами». Бадиий фильм 1-қисм.
21.45 «Заковат» интеллектуал ўйини.
22.45 Олтин мерос.
23.00 «Давр» ҳафта ичида.
23.35 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
23.55 «Шоҳдор тулпор саёҳати». Бадиий фильм 2-қисм.
01.15-1.20 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.00, 20.10, 21.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «TV мадад».
20.30 «Жаҳон географияси».
21.00 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
21.35 Кинонигоҳ. «Икковлон: мен ва менинг соям».
23.05-23.10 Хайрли тун, шаҳрим.

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (Инглиз тилида)
10.15 «Фан тайм»
10.25 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
11.25 «Сайёҳатчилар клуби».
12.05 Ақллилар.
12.35 «Дисней-клуб».
13.00 Дорихона эшитади.
13.45. Кувноқ инглиз тили.
13.55 «Парле ву франсе?»
14.20-15.40 «Дўстлик» видеоканали: «Дидар», «Айдинлар», «Ватан сурури», «Корейс тилини ўрганамиз».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Лаззат сеҳри».
17.35 «Ҳикоя».
18.55 «Жаҳон рақслари».
18.10 КВН-2003 Олий лига.
20.30 «Дунёга назар».
20.55 «Тенгдошлар».
21.25 «Кинопрофи».
21.45 «Лигурия»да ҳалокатга учраганлар». Бадиий фильм.
22.55 Бокс. Энг кучли боксчилар жанги.
23.55 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний хожагон-нақшбандия тариқати асосчиси. Шу билан бирга Баҳоуддин Нақшбандни муборак руҳлари билан тарбия қилган маънавий пирлари ҳисобланади. Ҳазратнинг юбилейлари муносабати билан Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари ҳам қайта таъмирланмоқда.

Суратларда: Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларидан лавҳалар.

Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигига

УЛУҒИНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЭЛ

Қадим Бухоронинг Ғиждувон тумани бугун катта тўй тараддудида. Ҳадемай бу ерда хожагон тариқатининг асосчиси, тасаввуф илмининг билимдонларидан бири бўлган улуғ пир Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг қутлуғ 900 йиллик юбилейлари зўр шодиёна билан нишонланади.

Шу боис Ғиждувон таниб бўлмас даражада чирой очиб, ўзгача қиёфа касб этмоқда. Ҳазратнинг қабри жойлашган табаррук зиёратгоҳ ва унинг атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин. Буюк пир номи билан аталувчи хиёбон кундан-кун чирой очмоқда.

Ғиждувон тарихи мозийнинг қат-қатларига сингиб кетган. У қадимдан Бухоронинг аҳолиси зич яшайдиган туманларидан бўлиб, ўзига хос иқтисодий салоҳиятга эга. У Бухорои Шарифдан 50 километр олисда жойлашган. Буюк Ипак йўли айни шу шаҳарни кесиб ўтганлиги ҳам тарихдан маълум.

Чунончи, Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида эътироф этилишича, у дастлаб «Гуждувон» дея аталган. Ғиждувон номи X асрлардан буён қатор адабий ва тарихий манбаларда тилга олинган.

Бошқа бир манбаларда кўрсатилишича, Ғиждувон - гэж (Суғд тилида қамиш) - гэжзор - гэжли довон, яна бирида «ғиштли девор» деган сўзлардан олинган деган тахминлар бор. У кўп қишлоқ тўпланган жойни, аниқроғи эса, ғужи девонкитоблар макони, деган маъноларни англатади.

Шаҳар баланд тепаликда ўрнашган бўлиб, унинг чор атрофи ғиштин девор билан ўралган. Зарафшон дарёсига уланган каналлар орқали шаҳар аҳли оби ҳаётдан баҳраманд бўлиб келган.

Имом ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро сингари Шарқнинг буюк мутафаккирлари қаторидан жой олган аллома Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний шу гўшада 1103 йилда таваллуд топган. У Ҳазратнинг отаси Мавлоно Абдулжамил бўлиб, бу зоти шариф масжидда имомлик қиларди. Толиби илмларга дунёвий ва илоҳий билимлардан таълим берарди.

Ёш Абдулхолиқнинг камолотида отанинг ўрни беқиёс эканлиги ҳам сир эмас. У ўн ёшига тўлмай Қуръони каримни ёд олади. Ўн етти ёшида Бухорога бориб, тафсир илмининг султони Имом Садриддиннинг этагини тутади.

Шу зайлда йиллар ўтади. Бухорога Шарқ сўфийларининг сардори Юсуф Ҳамадонийнинг ташрифи илмга чанқоқ Абдулхолиқ учун кутилмаган воқеа бўлади. У пир хизматида бўлиб Абдулло Барқий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий сингари улуғлар билан танишади. Дўст тутинади. Устод қўлидан шайхлик хирқасини кийгач, Яссавий билан биргаликда хонақоҳ очади. Шу тариқа кечаги шогирдлар, қиёматлик дўст тутинган биродарлар муридларга тасаввуфдан сабоқ беришга киришиб кетадилар. Кейинчалик бу икки улуғ зот яссавийлик ва хожагонлик тариқатига асос солишади.

СОҲИБИ КАРОМАТ

Яссавийлик тариқати асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий саналиб, унга тўрт мақсад асос қилиб олинган. Булар:

- соликни Оллоҳни танишга, унинг яқини бўлишга ундаш.
- соликни Оллоҳнинг энг азиз гултожи сифатида эъзозлаш.
- дунёдаги гуноҳни, айниқса, адолатсизликни қоралаш ва соликни адолатга даъват этиш.
- бу дунёнинг доғларини инсонга юқтирмаслик, инсонни барча гуноҳлардан пок сақламоқ учун таркидунёчиликка чорлаш.

Хожагонлик тариқатига асос солган Ғиждувонийнинг ғояларида Оллоҳга зикрни дилда келтириб, қўл билан меҳнат қилиш эвазига худо берган ризқни ҳалоллик билан топиб ейиш асосий ўрин тутади. Шу тариқа ул зоти шариф тасаввуф аҳли орасида биринчилардан бўлиб таркидунёчилик ғояларини рад этади. Лўнда қилиб айтганда, икки дунёни мусулмонлар наздида бирлаштириб талқин қилган алломалардан бири саналади. XII асрнинг ўрталарида Мовароуннаҳрда шаклланган икки тариқатнинг бир-биридан фарқланадиган жиҳати ҳам шунда. Хожагон тариқатида амри муқаррар тургувчи сўз бу «Даст ба кору, дил ба ёр» дейилган пурмаъно талқинга урғу берилганлигидир.

Ҳа, Оллоҳга зикрни дилда келтириб, ҳалол касб билан иш юритган бандалargагина икки дунё саодатига эришмоқ бахти муяссар бўлиши, шубҳасиздир. Ғиждувоний ҳазратлари мана нима учун Хожаи Жаҳон деган шарафли унвон соҳибига эришдилар. Ул зот валиликнинг етти поясини босиб ўтиб, соҳиби каромат мақомига муяссар бўлган. Ҳазратни Мағрибу Машриқда "тож ул орифин", "шайх ул машойих", "қутб ул-авлиё", "султон ул-машойих" дея таърифлашлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Дунёдан беармон ўтишни ихтиёр этган бандаларга қарата улуғ пир шундай башорат қилар эканлар: ўзингни муттасил руҳан тозалаб борсанг, нуқсонларингдан халос бўлсанг, нафсингга қул бўлмасанг, бировга зулм қилмасанг, гуноҳ ишларга қўл урмасанг, ҳамиша покиза юриб, тоат-ибодатда бўлсанг, савоб ишларга бел боғласанг, бас, бу дунёдан беармон ўтажаксан.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларини ҳам Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг муқаддас руҳи парвариш этган эди. «Даст ба кору, дил ба ёр» - «Қўлинг меҳнатда, дилинг Оллоҳда бўлсин», деган ҳикматли ўгитнинг тамал тошини ҳам ул зот қўйган эдилар.

ШАРҚДАН ТАРАЛГАН НУР

Мусулмон дунёсида беқиёс нуфузга эга бўлган буюк аллома 1179 йили 76 ёшларида бандаликни бажо келтирадилар. Ул зотнинг жасади оналарининг оёқ томонларига қўйилади. Орадан икки ярим аср ўтгач, 1433 йилда Амир Темурнинг суюкли набираси бўлмиш Мирзо Улуғбек томонидан Ғиждувоний ҳазратлари шарафига мадраса қурдирилган. Хилхона ана шу мадраса рўбарўсида жойлашган бўлиб, у махсус панжара билан ўралган.

Ҳазратнинг қабрлари катта кўчага туташиб кетган чоғроққина боғдан кўзга ташланиб туради. У айни чоғда муқаддас зиёратгоҳ саналади. Ҳар куни бу ерга минглаб зиёратчилар келиб туришади.

Ҳазратнинг қабрлари устида чоғроқ гумбаз барпо этилиб, Улуғбек қурдирган мадраса деярли қайта тикланмоқда. Таъмирлаш ишларида Шаҳрисабздан келган қўли гул усталар ҳам фаол иштирок этаётирлар.

ХИЁБОН ОРАЛАБ

Юртбошимизнинг кўрсатмалари асосида 1000 нафардан зиёд намозхонни ўз бағрига сиғдира оладиган жоме масжиди қурилиши ҳам қизғин давом этаяпти. Эски ҳовуз жойи қайта очилиб, унинг тубига шағал ётқизиш ишлари авжида. Бунёдкорлик юмушларида фаол иштирок этаётган мутахассислар, қурувчилар, қўли гул усталар билан обдон суҳбатлашдик. Тошқудуқ атрофидаги сўриларда ҳийла тин олаётган шаҳрисабзлик усталар етакчиси Б.Ботировга бир неча савол билан мурожаат этдик. У 12 кишидан иборат ҳамкасбларининг ишидан мамнун эканлигини изҳор этди. «Мерос» ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул усталари О.Тўраев, Ш.Мирзаев, Ф.Нажимовлар меҳнатидан сайқал топаётган мадраса офтобда ял-ял ёниб кўзни қамаштиради.

Муқаддас зиёратгоҳга қайта кўрк, чирой бағишлаш умумхалқ ишига айланган. Унда кексаю ёш, бутун воҳа аҳли чин ихлос билан иштирок этаётир. Айниқса, Бухородаги Ёдгорликларни таъмирлаш корхонаси, ипйигирув фабрикаси, 206-механизациялашган кўчма жамланма қурувчиларининг хизматлари ниҳоятда катта. Эски бозор ўзанида ҳазрат номи билан аталувчи хиёбонни бунёд этишга ҳам жадал киришилган. Туман ва вилоят ҳокимлиги ишнинг боришини қаттиқ назорат қилиб турибди.

Юбилей олди амалга оширилаётган савобли ишлар, буюк зотнинг ўлмас таълимоти ва жаҳоншумул кароматларини ҳаётга изчил татбиқ этишда янги саҳифалар очиши муқаррар. ЮНЕСКОнинг Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллик тўйини халқаро муҳим саналар тақвимига киритиш тўғрисида қабул қилган қарори бу таълимотнинг тарихда тутган ўрнини чуқур ўрганиш, тарғиб этиш борасида қўйилган катта қадам дейиш мумкин.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири

ДИЙДОР

Устоз-шогирд Абдулхолиқ Ғиждувоний Хожаи Жаҳон ва Хожа Ориф ар Ревгарий Моҳитобоннинг дўстликлари, бир-бирларини беҳад ҳурмат қилганликлари ҳақида бот-бот сўзлаб бермоқ лозим. Ҳар тонг Хожаи Жаҳон шогирдлари билан учрашиш ниятида Шофирконга йўл олсалар, Моҳитобон устозларининг дийдорига мушарраф бўлиш учун Ғиждувонга йўл олар эканлар. Бу икки зот доимо бир жойда Ғиждувон ва Шофирконнинг тенг ўртасида жойлашган қишлоқда юз кўришарканлар. Шофиркон ҳудудида бўлган бу қишлоқни ҳозир ҳам Кўришкент деб атайдилар.

Пир ва мурид илоҳиёт ҳақида, бу оламнинг сир-синоатлари ва азиз авлиё анбиёлар тўғрисида қизғин суҳбатлашар эканлар. Уларнинг ортидан юрган шогирдлари беҳад баҳра олар, Оллоҳга бўлган меҳр-муҳаббатлари тобора ошар экан. Яна шогирдлар бу ҳикматларни ёзиб олиб, давраларда тарғиб этар эканлар.

Кунлардан бир кун устоз-шогирд қизғин суҳбат қуриб, нафақат хаёллари ва балки бутун вужудлари билан Ҳақ руҳига батамом сингиб кетибдилар. Шунда улар бир дарахтга дуч келиб, Хожаи Жаҳон дарахтнинг ўнг томонидан, Моҳитобон эса дарахтнинг чап томонидан ўтибдилар. Сўнгра узоқ дийдор кўришмаган киши сингари бир-бирлари билан қайта саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрабдилар. Бу ҳолдан эса уларнинг ортидан келаётган муридлари ҳайрон қолишибди. Ахийри журъатлироқларидан бири сўрашга жазм қилибди.

– Устоз кун давомида иккалангиз биргасиз.

Яна қайта саломлашмоқ, ҳол-аҳвол сўрамоқнинг боиси не?

Шунда Хожаи Жаҳон майин табассум қилиб дебдилар:

– Камина Моҳитобон ҳазратлари билан суҳбат қураётиб, бир маслак, бир ғоя йўлида Оллоҳнинг жамолига мушарраф бўлиш ишқида бир вужудга айланган эдик. Олдимиздан чиқиб қолган дарахтнинг бир зумгина бўлса-да бизни бир-биримиздан ажратиши узоқ ҳижрон бўлиб туюлди. Бу ҳижрон соғинчга айланди. Шунинг учун ҳам биз яна қайта дийдор кўришганимиздан беҳад хурсанд бўлдик.

УСТОЗ ТАЛҚИНИДА

«Ўғлим! Илм олинг, одобли ва тақводор бўлинг! Расулуллоҳнинг суннатларига амал қилинг! Фиқҳ, Ҳадис ва тавсиф илмларини мукаммал эгалланг! Илмсизлардан қочинг... Халққа хизмат этинг ва бу йўлда ҳеч нарсани дариғ тутманг».

«НАСИҲАТНОМА»дан

* * *

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг сўфийлик тариқатидаги пири Юсуф Ҳамадоний эди. У киши устозига атаб «Мақомати Хожа Юсуф Ҳамадоний» номли рисола битди.

* * *

«Шайхимиз ўттиз саккиз марта пиёда ҳаж қилган эдилар. Қуръонни минг марта қироат билан ўқиган эдилар. Саккиз минг будпарастни мусулмон қилган эдилар. Муборак юзларида чечакдан қолган доғлар бор эди. Соқоллари узун эди. Қизил юзли, баданлари озғин эди. Кўп сафар қилар эдилар. Либослари жундан эди...

... Камгап эдилар. Мактаб очиб, талабаларга дарс берардилар. Гиёҳларни азиз тутардилар, ўсимликлардан дори тайёрлаб, муҳтожларга тарқатардилар».

* * *

Буюк пирга саҳоба фарзанд тутинган ўғил бўлиш бахти Хожа Авлиёи Кабирга насиб этди. У устознинг иккинчи ҳалифаси маротабасига эришди. «Одоби тариқат» рисоласи Хожа Авлиёи Кабирга бағишлаб ёзилгандир.

«Эй ўғилгинам, сенга насиҳат қилайин, тақво (парҳез)ни ўзингга тумор қилиб ол. Ибодат вазифаларини доимо бажар. Ўзингни ҳамиша кузатувчи бўл».

САЛОҲИЯТ

Ўзимнинг ҳаётим даврида кўпгина дин асҳобалари ва сўз соҳибларига хизмат қилдим, лекин Хожа Ғариб Бухорийдек баланд мартабали донишманд кишини кўрмадим.

Шайх Ҳасан БУЛҒОРИ

* * *

«Агар ер юзида Хожа Абдулхолиқ фарзандларидан бири бўлса эрди, Мансур ҳаргиз дор остига бормас эди.

Хожа Али РОМИТАНИЙ

* * *

...бир улуғ тахт пайдо бўлди ва яшил парда ул тахт олдига тортилғон ва теграсида жамоат. Хожа Муҳаммад бобони алар орасида танидим. Билдимки, ул хайл ғойиблардандирлар. Ораларидин биров менга айтдики, тахти Хожа Абдулхолиқдир ва ул жамоат аларнинг хулофосидурлар ва бирин-биринларнинг отин атади ва Хожи Муҳаммад бобога етганда, дедики, аларни худ ҳаётлари чоғида кўрибсан ва сенинг пирингдурлар ва сенга бўрак беридурлар ва паромат қилибдурларки, нозил бўлган бало сенинг барокотингдин даф бўлғай.

Хожа Баҳоуддин НАҚШБАНД

МУҚАДДАС РАШҲА

Хожагон тариқатининг асосий манбаи ҳазрат Ғиждувонийнинг «Рашаҳот» рисоласидир. Шу ўринда ислом оламида ҳазрат Ғиждувонийдан кейин ҳам кимдир шундай «Рашаҳот» рисоласини ёзганмикан, дейилган савол туғилиши табиий.

XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошларидан яшаб ўтган Хожа Али (Азизон) Ромитаний ўн олтита рашҳа яратиб, Хожагонлик тариқати ривожига улкан ҳисса қўшган улуғлардан ҳисобланади.

Хожа Баҳоуддин маънавий пири ва устози Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг саккизта рашҳалари қаторига яна учта: «Вуқуфи замонавий», «Вуқуфи ададий», «Вуқуфи қалбий»ни қўшиб, нақшбандийлик таълимотини шакллантирган.

XV асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган Фахриддин Али Сафий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий мақоматида «Рашаҳоту айнул ҳаёт» деган тасаввуфий маълумотлар тўпламини ёзган. Тўпламда Хожа Аҳрор меросига оид бўлган 120 та рашаҳотнинг мазмун-моҳияти очиб берилган.

Хуллас, XII асрдан ҳозирга қадар ёзилган рашҳалар орасида ислом оламида энг мукаммал муқаддас саналиб келинаётган 11 рашҳага амал қилиниб келинаётир. Шубҳасиз, бу рашҳалар ижодкори пирларимиз Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Ҳазрат Нақшбанддир.

ОҚ ЛИБОСЛИ ЭРАНЛАР

Ривоят

Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг бу оламни тарк этганига 332 йил бўлган эди. Эрон ҳукмдори Шоҳ Исмоил Сафовий Мовароуннаҳрни босиб олишга киришади. Юз минг кишилик лашкари билан Жайҳунни кечиб ўтди. Вилоятларни бирма-бир забт эта бошлади. Шоҳ Исмоил шиа мазҳабига мансуб эди, шу боис суннийларни кўргани кўзи йўқ эди. У азиз-авлиёлар мозорини бузиб, оёқ ости қилди, ҳанафия мазҳабига итоат этувчиларни қиличдан ўтказди.

Ниҳоят, Шоҳ Исмоил Ғиждувонга қараб от сурди. Хожаи Жаҳоннинг юксак рутбасию ҳар куни зиёратчилар ила гавжум турбати унга тинчлик бермасди. Азим қўшин билан Ғиждувонга етиб келди ва шаҳар қалъасини қамал қилди. Шаҳар таслим бўлса, Ғиждувонийнинг муборак қабрларига шикаст етиши тайин эди.

Ўша кунлари мўъжиза рўй берди. Тонг саҳар қалъа дарвозаси очилиб, оқ от минган, оқ либосли бир неча киши ташқарига чиқди. Уларнинг олдида оппоқ соқолини силкитиб қизил юзли, басавлат бир нуроний келарди. Отахоннинг қўлида Ҳазрат Алининг қиличини эслатувчи учи айри шамшир. Қария қиличини ёв томонга ўқталиб нимадир дерди. Сафовийлар нуроний зотнинг ҳайбатидан таҳликага туша бошладилар. Қўллари садоққа етмай титрар, отлари кишнаб осмонга сапчирди. Алал-оқибат улар ортларига қараб тум-тарақай қоча бошладилар.

Оқ либосли кишилар ғойибдан хабар берувчи авлиёсифат эранлар, қилич тутган қария эса Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг руҳи поклари эди.

Мулоҳаза

ТУРИЗМ ЯНАДА РИВОЖЛАНСА...

Мамлакатимизда тарихий ва меъморий ёдгорликлар кўп. Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа кўплаб кўҳна шаҳарларимиз азал-азалдан сайёҳларни ўзига ром этиб келади.

Дунё мамлакатларини бир-бирига боғлайдиган ришта – маданият ва урф-одатларнинг ўзаро муштараклигини таъминлайдиган воситалардан бири, бу туризмдир. Шу билан биргаликда, туризмнинг мамлакат иқтисодиётига келтирадиган фойдаси ҳам катта аҳамиятга эга. Бу йўналишда хорижий соҳа мутасаддиларидан тажриба ўргансак арзийди...

Дарвоқе, шу ўринда савол туғилади: дунё туризмида тараққиёт босқичи қай тарзда кечган?

Мисол учун, Италиядаги туризм тарихини олайлик: Рим империяси замонидаги саёҳатлар яна ҳам қизиқарли бўлган. Эрамиздан 200 йил аввалги даврда римликлар Италиядан анча узоқда макон тутганлар. Кейинги 500 йилликда улар кўплаб ерларни ўзлаштира борганлар, кемаларда, от-араваларда ҳамда пиёда саёҳат қилганлар.

Шуниси аниқки, агар туристик сиёсат минтақа манфаатларига зид келмаса, халқаро туризм ўз-ўзидан маҳаллий иқтисоднинг гуллаб-яшнашига кафил бўла олади. Чунки кўплаб денгизларга чиқиш, хилма-хил рельеф, қуёш нурининг сероблиги, тарихий-маданий объектларнинг кўплиги хорижий сайёҳларни кўпроқ ўзига жалб қилади. Ўз навбатида тил, тарих, маданият бирлиги ички туристик алоқалар кенгайишига ҳам кўмак беради.

Шундай экан, мамлакатимиз хорижий туристларнинг юртимизга келиб-кетишини таъминлайдиган бутун жаҳон (10 дан ортиқ ташкилот) ва халқаро (40 дан ортиқ) ташкилотларга аъзо бўлиши лозим. Ўзбекистонга туристларни жўнатиш ва тур маҳсулотларини эълон (реклама) қилиш мақсадида туризм ваколатхоналари тизимини кенгайтириш, элчихоналар ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари» билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш, шунингдек, маркетинг ишларини йўлга қўйиш ва бошқалар шулар сирасига киради.

Яна бир нарса. Ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичларига кўра, туризм транспорт ташкилотларидан ортда қолмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» дунёнинг 40 шаҳрида туристларни жалб қилувчи ўз ваколатхоналарини очди. Туризм бўйича эса атиги 3 мамлакатда ваколатхона очилган. Фақатгина ўнта хорижий туристик фирма мамлакатимизда фаолият кўрсатмоқда. Албатта, уларнинг сонини ошириш фойдадан ҳоли эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нафақат қишлоқ хўжалиги ёки бошқа тармоқлардан, балки туризмдан келиб тушган маблағ ҳисобига ҳам мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мумкин. Шунинг учун ташқи ва ички туризмни ривожлантириш, ота-боболаримиздан қолган маданий ва тарихий ёдгорликларимизни бутун дунёга кўз-кўз қилиш, мақсадга мувофиқдир.

Ҳасан МУРОДОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети талабаси

Футбол

ДАРВОЗАБОН – ЯРИМ ЖАМОА

Бу ибора кеча ёки бугун ўйлаб топилган эмас. «Миллионлар ўйини» кашф этилибдики, мухлислар ҳам, мутахассислар ҳам бу ҳақиқатдан кўз юмолмайдилар. Сабаби аён: дарвозабон рақиб ҳужумчиларининг уринишларини чиппакка чиқариши ёхуд жамоадошларининг саъй-ҳаракатларини битта қўпол хатоси билан барбод этиши мумкин.

«Трактор» – «Насаф» учрашувида шундай ҳол юз берди. Биринчи бўлимдан сўнг 1:0 ҳисобида олдинда бораётган тошкентликлар иккинчи бўлим бошларида меҳмонлар шиддати олдида саросимага тушиб қолдилар. Айниқса, дарвозабоннинг ўзини йўқотиб қўйганлиги жамоага қимматга тушди. Жасур Ҳамроев ва Шуҳрат Тошпўлатов томонидан берилган икки зарба ўйин тақдирини ҳал қилди. Ҳамма ҳам хатога йўл қўяди. Бу – спорт. Лекин биринчи гол тўлалигича дарвозабоннинг виждонига ҳавола. Дарвоқе, мутасаддилар дарвозабон масаласини тезроқ ҳал қилмасалар бўлмайди. Чунки бугун жамоа таркибидаги дарвозабонларнинг барчаси жуда ёш; улар қанчалик иқтидорли бўлмасин, тажриба етишмайди. Лоақал иккинчи даврагача муаммо ечими топилмаса, кейин кеч бўлиши аниқ.

Ушбу турда яна икки учрашувда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Мамлакат чемпиони Муборакда «Машъал»ни 2:1 ҳисобида мағлуб этди. Ўйиндан ўйинга очилиб бораётган «Сурхон» эса «Гулистон»нинг курагини ерга текказди. Ҳисоб – 1:3.

Қолган учрашувлар қуйидагича якун топди: «Навбаҳор» – «Бухоро» – 2:1, «Самарқанд-Д» – «Қўқон-1912» – 2:1, «Металлург» – «Дўстлик» – 0:0, «Қизилқум» – «Цементчи» – 4:1.

10-турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	9	8	1	0	24-5	25
2. «Нефтчи»	9	8	0	1	27-5	24
3. «Қизилқум»	10	6	2	2	18-8	20
4. «Насаф»	10	6	1	3	19-11	19
5. «Сурхон»	10	6	1	3	14-12	19
6. «Дўстлик»	10	5	3	2	12-13	18
7. «Навбаҳор»	10	4	4	2	12-8	16
8. «Самарқанд-Д»	9	4	0	5	13-13	12
9. «Металлург»	10	3	2	5	13-19	11
10. «Цементчи»	10	3	2	5	11-17	11
11. «Машъал»	10	3	1	6	13-10	10
12. «Бухоро»	10	3	1	6	15-16	10
13. «Андижон»	9	3	1	5	9-10	10
14. «Трактор»	10	2	2	6	10-26	8
15. «Қўқон-1912»	10	2	0	8	9-24	6
16. «Гулистон»	10	1	1	8	6-26	4

«Нефтчи» ва «Андижон» жамоалари ўртасидаги ўйин кеча бўлиб ўтди.

ЯНГИ УНИВЕРСИТЕТ БИЛАН ТАНИШУВ

Хорижий илм даргоҳлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш, мамлакатимиз ёшларининг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишларини ташкил этиш борасида республикамизда жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Тошкентда ташкил этилган Вестминстер университети ҳам мазкур изланишлар самарасидир.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Англиянинг Вестминстер университети, "Умид" жамғармаси ва Самарқанд вилоят таълим маркази ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида ушбу университет билан танишув маросими ўтказилди.

Маросимда ташкилотчилар умумтаълим мактаблари битирувчиларига Вестминстер университети фаолияти ва келгуси жараёнлари ҳақида сўзлаб беришди.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс
ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақами гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 1 2 3 4 5 6